

Интеллектуал муҳандислик тизимлари (автомобиль транспорти)

Ўзбекистонда автомобиллар сонининг кўпайиши, ҳаракат интенсивлиги ортиши, йўллар тармоғи ривожланиши, инфратузилмаси серкирраланиши ҳаракатни режалаштириш ва назорат қилишни интеллектуаллектуализациялаштиришни тақазо этади. Шаҳарлар ва магистрал йўлларда ҳаракатни автоматлаштирилган бошқариш учун транспорт оқимини видео назорати ишга туширилмоқда. Ахборот-коммуникация тизимларидан фойдаланувчи йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида хизматлар такомиллаштирилмоқда. Транспорт хизматининг самарадорлигини оширишда транспорт тизимларини интеллектуализация қилиш дунёдаги энг истиқболли йўналиш ҳисобланади. Республика иқтисодиёти эҳтиёжлари учун транспорт хизмати самарадорлигини ошириш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш илғор ахборот тизимлари ва технологияларини ва улардан фойдаланиш кўникмаларини биладиган кадрлар тайёрлашни талаб қилади.



Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси соҳа ва ташкилотларда фаолият юритадилар

Ушбу таълим мутахассислигини битирувчилари иқтисодиётнинг турли соҳаларида жараённи интеллектуаллаш билан боғлиқ жавҳарларида фаолият юритишлари мумкин. Жумладан, автомобиль транспорти эксплуатацион самарадорлигини ахборот тизимлари эвазига яхшилайдиган кадрлар, автотранспортни эксплуатация қиладиган барча хўжаликларда, йўловчи ташувчи транспорт корхоналарида, ҳаракатни ташкил этиш вазифасидаги тизимларда, ҳудудий ҳокимликлар транспорт-логистика бошқармаларида, қурилишда, темир йўл соҳаси корхоналарида, қишлоқ хўжалигида, саноатнинг барча ишлаб чиқариш таркибий қисмларида, нефть-газ компаниясининг корхоналарида, тоғ-кон металлургия комбинатларида, автосаноат ишлаб чиқариш заводларида, автотранспорт техник сервис марказларида, лойиҳавий-конструкторлик бюроларида, стандартлаштириш ва сертификациялаш органларида, йўл транспорти ходисаларини таҳлил қилувчи экспертизада ва бошқа кўплаб шулар каби даргоҳларда ҳамда ўрта-маҳсус касб-ҳунар таълим муассасаларида педагог бўлиб фаолият юритадилар.

Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси касб ва лавозимларда ишлашлари мумкин?

Соҳавий вазирлик, ҳудудий ҳокимиятлар, компания, хўжаликларда: муҳандис, механик, эксперт аудитор, янги техника ва технологияларни жорий этишда ташкилотчи, автомобиль транспорти эксплуатациясида ахборот технологиялари ишлашини таъминловчи муҳандис, тадбиқ этиш ва фойдаланишда муҳандис, ҳаракатни ташкил этиш ва бошқаришда муҳандис, ҳаракат хавфсизлиги ва таҳлили эксперти, синовчи-муҳандис.